

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ШАҲНОЗА АЙБЕКОВНА

**ТИЛНИНГ ТУРЛИ САТҲ БИРЛИКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА
ДЕРИВАЦИЯСИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

УЎК: №81'33:81'373.611(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Алиева Шаҳноза Айбековна

Тилнинг турли сатҳ бирликлари трансформация ва деривацияси.....3

Алиева Шаҳноза Айбековна

Трансформация и деривация единиц разных слоёв языка.....25

Alieva Shahnoza Aybekovna

Transformation and derivation of the items on different language levels.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ШАҲНОЗА АЙБЕКОВНА

**ТИЛНИНГ ТУРЛИ САТҲ БИРЛИКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА
ДЕРИВАЦИЯСИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil.921 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоҳида Ҳошимовна Шаҳобиддинова
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамажонов Алижон
филология фанлари доктори, профессор

Турниязов Бехзод Нигматович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни таркатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Қосимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,
профессор

И.Т.Хожалиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.,
доцент

С.Мўминов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда трансформация ва деривациянинг ўзига хос жиҳатлари, тилнинг турли сатҳларида юзага чиқиш имкониятлари кўплаб тилшунос олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган бўлса-да, мазкур соҳага оид жуда кўп масалалар ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. Бу эса тилнинг динамик ва статик тавсифини яратишда ўта аҳамиятли бўлган трансформация ва деривация борасида тўлақонли, изчил концепция яратишга тўсқинлик қилиб келмоқда. Тилда универсал бўлган, шу билан бирга тилнинг турли сатҳларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳодисалар сифатида трансформация ва деривациянинг онтологик жиҳатларининг ўрганилиши жаҳон тилшунослиги олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида трансформацияда гапнинг лексик бирликлари трансформацияда ўзгаришсиз қолиши лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, асос гап билан ҳосила структура ўртасида лексик бирликлар муштарак бўлиши шарт эмаслиги ҳақида асосли маълумотлар берилган. Трансформалар ўртасида маъно муштараклиги сақланиб қолиши лозимлиги, оддий гапдан мураккаб, ноэлементар гапларни ҳосил қилишнинг асосий йўли контаминация эканлиги, у деривациянинг нуфузли жараёнларидан бири саналашни кўрсатиб ўтилган. Тил бирликларининг ўзгариши ва ясалиши тилнинг динамик ҳолати бўлиб, бу ҳолат статикага қарама-қарши қўйилади. Динамик ва статик ҳолат ҳар қандай тилнинг яшаш ва ривожланиш шаклидир. Шундай экан, тилнинг статик ҳолатини ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, динамик ҳолатини ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида деривациянинг лексик сатҳдан юқори сатҳда ҳам мавжуд эканлиги, синтактик деривация, синтактик трансформация тадқиқига оид ишлар вужудга келган. Лекин мазкур тадқиқотларда деривацияга дахлдор бўлган икки жиҳат яна очиқ қолган. Биринчиси деривация ва трансформация жараёнларига асос бўлган қисмни, яъни операндни белгилаш; иккинчиси деривация билан трансформация ўртасидаги муайян фарқларни кўрсатиш. “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш”¹ вазифаси бошқа фанлар қатори ўзбек тилшунослиги учун ҳам кўшимча имкониятлар яратилиши ушбу соҳада чуқур назарий ва амалий қўлланишлар учун асос бўлувчи изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон жаҳонга юз тутар экан, тилшунослик соҳасида назарий жиҳатдан етакчи йўналишлар билан ҳамқадам бўлган умумназарий тадқиқотлар олиб бориш, трансформация ва деривация ҳодисаларининг тўла асосланган қиёсий лингвистик тавсифини яратиш муҳим.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фан ва

¹ Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. – № 271- 272 (7229-7230)

олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз фанида тилни назарий тадқиқ қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб, умумий тилшуносликка оид атамалар фаол қўлланиб келинмоқда. Хусусан, трансформация ва деривация атамалари. Шу билан бирга бу атамаларнинг тавсифи талқинида яқдилликка эришилди дейиш қийин. Кўплаб тилшунослар ушбу атамалар остидаги объектлар тадқиқига доир изланишлар олиб борган,²

²Артикова Г.Ш. Семантическая деривация поля. АҚД, – Т.:Фан, 1994. Бархударов Л.С. Истоки, принципы и методология порождающей грамматики. (введение). – «Проблемы порождающей грамматики и семантики». – М., 1976. Бобоев У.Н. Синтаксическая деривация придаточного предложения времени в современном узбекском языке (в сопоставлении с французским языком). Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Алма-Ата, 1992. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: 1955. Исаченко А.В. Трансформационный анализ кратких и полных прилагательных – сб. Исследования по структурной типологии. – М., 1963. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая// Очерки по лингвистике. – М.: Изд. иностр. литературы. 1962. Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия –ВЯ, 1974, №5. Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация: Анализ производных предложений русского языка. –Пермь, 1974. Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) // Автореф. докт. дис. – Л., 1976. Махматкулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. – Т.: Университет, 1998. Махмудов Н., Нурамонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995. Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. – Т.:Ўқитувчи, 1982. Насилов Д.М., Храковский В.С. Применение принципа деривации к описанию синтаксических структур предложения в тюркских языках // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 5. Нейматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари (филолог талабалар учун қўлланма). – Тошкент: Университет, 1999. Турниязов Н.К. О трансформационном и деривационном процессах // Советская тюркология, 1989, №2. Турниязов Н.К. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1989. Турниязов Н.К. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990. Турниязов Н., Хайруллаев Х. Структур таҳлил методлари ва трансформация назарияси ҳақида // Хорижий филология, 2007, №1. Турниязов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Филол.фанл.номзоди...автореф. – Самарқанд, 2006. Турниязов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. – Самарқанд, 2008. Турниязов Н., Турниязов Б., Турниязова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент: Наврўз, 2011. Турниязов Н., Турниязова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент: Фан, 2009. Ғаффаров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси. Филол.фанл.номзоди...автореф. – Самарқанд, 1997. Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.фанл.номзоди...автореф. – Тошкент, 2010. Турниязов Б.Н. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Филол.фанл.номзоди...автореф. – Самарқанд, 2006. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики. – 1972. – М.: Наука 1973. Хомский Н. Синтаксические структуры// Новое в лингвистике II. – М.: 1962. Хэррис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре// Новое в лингвистике II. – М.: 1962. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Ўзбек тили морфологияси. – Андижон, 2012.

натижада трансформация ва деривацияни илмий-назарий таҳлил қилишда турли қарашлар юзага келган. Ушбу қарашларни умумлаштириб, қиёслаб, трансформация ва деривациянинг релевант тавсифини яратишга қаратилган монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетига бажарилаётган ОТ-Ф1-18 – “Оммавий лисоний маданиятни шаклантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади трансформация ва деривацияни уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш орқали тавсифлашдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

трансформация ва деривация ҳақида жаҳон тилшунослигидаги билдирилган фикрларга муносабат билдирган ҳолда уларнинг таърифини бериш;

тилнинг динамикаси жараёнидаги ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг трансформация, деривация каби ҳодисалар орқали амалга ошишини кузатиш;

тилнинг турли сатҳларида трансформация ва деривация масаласини ўрганиш, ўзаро қиёслаш ҳамда тавсиф этиш;

транспозиция ва деривация, деривация ва сўз ясалишини тилнинг статик ҳамда динамик ҳолатида релевация қилиш;

трансформа билан операнд ўртасида зотий боғланишни очиб бериш;

трансформация ва деривациянинг тилнинг турли сатҳларидаги амалида изоморфизмни кузатиш.

Тадқиқотнинг объекти тилнинг трансформация ва деривацияга учраган турли сатҳ бирликлари. Трансформация ва деривация ҳодисалари яққол намоён бўлгани сабабли асосан лексик, морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари тадқиққа тортилди.

Тадқиқот предметини турли сатҳ бирликларида трансформация ва деривация жараёнларининг изоморфик, структур, зотий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда оппозицияга қўйиш, трансформация, деривация, транспозиция ҳамда қиёслаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тилнинг транспозитив, дериватив аспектлари, статик ва динамик ҳолатини ўрганишнинг аҳамияти очиб берилган;

трансформация ва деривация тилнинг динамик жараёнларига хос, сўз ясалиши, морфологик, синтактик сатҳларда амал килувчи универсал ҳодиса эканлиги исботланган;

сон, келишик, эгалик, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, кичрайтириш, даража, эркалаш, ҳурмат, қарашлилиқ, ўхшатиш сингари грамматик шаклларнинг морфологик трансформация ҳосил қилиши аниқланган; иккинчи даражали бўлақлар, ундалмалар, ажратилган бўлақлар, кириш ва киритмалар каби кенгайтирувчи синтактик қурилмаларнинг содда гап

трансформаларини ҳосил қилиши асосланган;

изоморфизм қонуниятига мувофиқ, лексик деривация қонун-қоидалари синтактик сатҳда ҳам амал қилиши исботланган, депредикация, номинализация ва компрессиянинг дериватив табиати, компрессия қоидасининг қўшма гапларнинг ҳар қайси турида ўзига хос эканлиги ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Филологик йўналишларнинг бакалавр ва магистратура йўналишлари учун олиб борилувчи “Умумий тилшунослик”, “Синтаксис”, “Морфология” каби фанларда кенг қўлланувчи трансформация, транспозиция, деривация, компрессия, депредикация каби атамалар тўлиқ тавсифланди ва ана шу фанлар учун назарий манба бўла олувчи материал яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг илмийлиги, келтирилган таҳлиллар оппозиция, трансформация, деривация, транспозиция ҳамда қиёслаш методлари воситасида асосланганлиги, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти трансформация ва деривация борасидаги умумий назарияни бойитиши, келажакда ушбу мавзу юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши, дериватология, назарий трансформация соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот илмий натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган маълумотлар назарий грамматика, синтаксис, морфология курсларини ўқитишда аҳамиятлилиги, деривация ва трансформация назарияси бўйича ўқиладиган махсус курсларда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тилнинг динамикаси жараёнидаги ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг трансформация, деривация каби ҳодисалар орқали амалга ошириши кузатиш тадқиқи асосида:

дунё тилларида тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, уларнинг шаклий-мазмуний тузилишидаги трансформацион ва деривацион жиҳатларни аниқлаш, хусусан, тил бирликларининг структур-морфологик, структур-синтактик ва деривацион-семантик жиҳатдан ўрганиш каби масалалар тадқиқида “ИТД-1-57. Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 89-03-2652-сон маълумотномаси). Натижада синтактик қурилмаларнинг трансформацион ва деривацион ўзгаришларининг социолингвистик, психолингвистик хусусиятлари очиқ берилган;

тилнинг динамикаси жараёнидаги ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг трансформация, деривация каби ҳодисалар орқали амалга ошириши кузатиш, тилнинг турли сатҳларида трансформация ва деривация масаласини ўрганиш,

ўзаро қиёслаш ҳамда тавсиф этиш, транспозиция ва деривация, деривация ва сўз ясалишини тилнинг статик ва динамик ҳолатида релевация қилиш, трансформа билан операнд ўртасида зотий боғланишни очиб бериш, трансформация ва деривациянинг тилнинг турли сатҳларидаги амалида изоморфизмни кузатиш каби масалалар тадқиқида “ОТ-Ф8-057. Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш” давлат фундаментал-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 89-03-3385-сон маълумотномаси). Бу эса тилнинг систем табиатини аниқроқ очиб беришга, сатҳлараро изоморфик муносабатларни тўлиқроқ тавсифлашга хизмат қилган;

оламнинг миллий манзарасида тилнинг миллий ўзига хослигининг воқеланишидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Андижон вилояти телерадиокомпанияси муҳарририяти томонидан тайёрланган “Маънавият - қалб кўзгуси” кўрсатуви, “Маънавият сарчашмаси”, “Мафтунқор диёр”, “Шукрона” эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 28 июндаги 20-24/487-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар оламнинг миллий манзарасида тилнинг моҳиятан миллий ўзига хослигини асослашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўрганилган масалаларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Ишнинг биринчи боби **“Тилнинг динамик аспекти”** тадқиқида бағишланган.

Тил оддийгина белгилар системаси эмас, балки коммуникатив жараёнда

маълум вазифа бажаришга хосланган системадир. Шундай экан, лингвистик бирликларнинг нутқда қўлланиш қоидалари ва бу бирликларнинг нутқий жараёнда турли ўзгаришларга учрашни ўрганиш ҳам тилшуносликнинг бир аспектидир. Ана шу аспекти ўрганиш динамик лингвистиканинг вазифасига киради. Шунини таъкидлаш жоизки, тилда таксономик муносабатлардан ташқари, унга тамомила тесқари бўлган ўзгариш-шаклланиш муносабати ҳам борки, иккинчи муносабатни гоҳ трансформация муносабати, гоҳ деривация муносабати деб юритилмоқда. Шунини ҳам айтиш керакки, структурализмнинг дастлабки босқичида трансформацияда гапнинг лексик бирликлари трансформацияда ўзгаришсиз қолиши лозимлиги таъкидланган. Аммо кейинчалик асос гап билан ҳосил структура ўртасида лексик бирликлар муштарак бўлиши шарт эмаслиги ҳақида асосли маълумотлар берилди. Бироқ трансформалар ўртасида маъно муштараклиги сақланиб қолиши лозимлиги эслатилади. Албатта, бу жараёнда синтактик бирликлар ҳам ўзгаришига йўл қўйилади (М.: гап → сўз бирикмаси). Л.Н.Мурзин синтактик бирликлар ясалишини синтактик деривация атамаси остида ўрганади³. В.С.Храковский эса бу икки ҳодисани фарқлаб ўрганишга уринади.⁴ Рус тилшунослигида синтактик деривация ҳодисасининг тадқиқига жиддий эътибор қаратилди ва бунинг натижасида турлича таҳлил усуллари истеъмолга киритилди. Буни Л.Н.Мурзиннинг тадқиқотларида аниқроқ кузатамиз. Бундай бўлиши табиий, албатта. Зотан, Л.Н.Мурзин жаҳон дериватологиясининг асосчисидир. Л.Н.Мурзиннинг фикрига кўра, оддий гапдан мураккаб, ноэлементар гапларни ҳосил қилишнинг асосий йўли контаминация бўлиб, у деривациянинг аҳамиятли жараёнларидан бири саналади. Унинг моҳияти шундан иборатки, тайёр гапларнинг ўзаро муносабати янги гапнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу жараён чегарасиз характерга эга бўлиб, ҳар бир ясама гап, ўз навбатида, кейинги гап учун ясалиш асоси ролини ўйнайди. Тил бирликларининг ўзгариши ва ясалиши унинг динамик ҳолати бўлиб, бу ҳолат статикага қарама-қарши қўйилади. Динамик ва статик ҳолат ҳар қандай тилнинг яшаш ва ривожланиш шаклидир. Шундай экан, тилнинг статик ҳолатини ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, динамик ҳолатини ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Тил динамикаси деривация, трансформация, транспозиция, конверсия сингари ҳодисалар орқали юзага чиқади. Ясалма ясалиш асоси билан мотивация муносабати орқали боғланади ва бу муносабат сўз ясалиши қаторида такрорланади. Ана шу такрорийлик мотивация муносабатини белгилашга хизмат қилади. Сўз ясалиши ва деривация атамаларидан кўп ҳолларда синоним сифатида фойдаланилади. Бизнингча, сўз шакли ясалишини деривация ҳодисаси билан боғлаш ноўрин кўринади, зотан, мавжуд адабиётларда сўз шакли ясалиши деривация ҳодисасига ҳам, транспозиция ҳодисасига ҳам киритилиши кузатилмади. Азим Ҳожиёв сўз ясалиши билан форма ясалишини бир-биридан фарқлар экан, қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек тили грамматикаларида ҳозирга қадар ҳам сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаси морфология баҳсида бериб келинмоқда. Лекин сўз ясалиши тилшуносликнинг лексикология, грамматика

³Қаранг: Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984.

⁴Қаранг: Храковский В. С. Трансформация и деривация//Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973. – С. 492.

каби алоҳида бўлими экани ҳозирда тан олинган. Сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаларининг шу вақтга қадар морфология баҳсида ўрганилишига сабаб, буларнинг ҳар иккисиди морфема иштирок этишидир... Морфемика, сўз ясалиши ва форма ясалиши морфологик ҳодиса сифатида қаралиб, морфология баҳсида берилиши бу тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри белгилашга ҳалал бериб, бир қатор хато ва қарама-қарши фикрларни келтириб чиқарди. Бинобарин, буларнинг ҳар бирини махсус бўлимлар сифатида ажратиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиш тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри ва осон англашга ёрдам беради»⁵. Аппликатив моделда икки таянч объект («нараса» ва «гап») ва бир қоида (апликация қоидаси) эътироф этилади. Асос ва иккиламчи объектларга апликация қоидасининг қўлланилиши янги-янги мураккаб ҳосила объектларнинг пайдо бўлишига олиб келади⁶. Бошқача айтганда, апликатив моделда кичик тил ёхуд нутқ бирликларидан катта бирликлар шаклланиши назарда тутилади. Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, трансформацион методдан апликатив усул фарқ қилади. Трансформация трансформалар ўртасида маъно муштараклигига асосланса, апликатив усулда маъно муштараклиги сақланмайди. Бу ҳусусда юқорида қисман айтиб ўтилган эди. Апликатив усулда асос гапнинг синтактик структураси кенгайиши баробарида, унинг семантик вазни ҳам ортиб боради. Зотан, апликация деганда, берилган объектга ниманингдир қўшилиши, тиркалиши тушунилади. Шу боис мазкур усул ўта динамик характерлидир. Динамик характер трансформацияга ҳам хосдир. Апликатив модель натижаси синтактик деривацияни тақозо этади. Ана шу жиҳатдан, яъни асос гап билан ҳосила ўртасида маъно муштараклиги сақланмаслиги жиҳатидан апликатив усулда шаклланган деривация трансформациядан фарқ қилади. Кўпчилик адабиётларда трансформация деганда, синтактик бирликларнинг структурасидаги динамик шароит тушунилса, деривация деганда (бундан синтактик деривация истисно) бирламчи лексик бирликлардан иккиламчи лексик бирликларнинг ҳосил қилиниши тушунилади. Шунинг учун бу ҳодисаларнинг биринчиси синтактик сатҳ доирасида, иккинчиси эса лексик ва морфемик сатҳ оралиғида, тўғрироғи, сўз ясалиши доирасида ўрганилади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб деривация қоидаси сўз ясалиши доирасидагина эмас, балки тилнинг синтактик сатҳида ҳам амал қилувчи универсал модель эканлиги эътироф этила бошлади. Ана шундай ҳаракат натижаси сифатида синтактик деривацияга бағишланган айрим тадқиқот ишлари майдонга келди⁷. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам деривация лексик сатҳдан юқори сатҳда ҳам мавжуд эканлигига эътибор қаратилди ва синтактик деривациянинг тадқиқига бағишланган монографик ишлар вужудга келди. Ўзбек тилшунослигига синтактик деривация атамасини илк

⁵Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент, 1979. – Б.3-4.

⁶Қаранг: Шаумян С.К. Деривационные системы и аппликативная модель//Проблемы структурной лингвистики – 1967. – М., 1968. – С.168.

⁷Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка)//АДД. –Л., 1967; Кубрякова В.С. Деривация, трансформация, конверсия//ВЯ, №5, 1974; Распопов И.П., Сьчёва С.Н. Синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия//НДВШ,ФН,1974,№3; Москальская О.И. Синтаксическая парадигматика и синтаксическая деривация//Проблемы общего и романо-германского языкознания. – М., 1978.

бор Н.К.Турниёзов олиб кирди⁸. Олим ҳозирги ўзбек тилидаги гипотактик курилмаларнинг синтактик деривацияси ҳақида фикр юритади. У синтактик *деривация* атамаси остида «турли конструктив элементлардан, ягона синтактик қаторга бирлаштирувчи ва нисбий тугалланган кетма-кетлик занжирига эга бўлган гап (ёки бирикма) ясалиши»ни тушунади. Гап ёки бирикма таркибининг кенгайиши, бир синтактик конструкциянинг бошқасига трансформация қилиниши синтактик деривация усуллари парадигмасини ташкил этишини таъкидлайди⁹. Диссертацияда жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг тадқиқот муаммосига доир қарашлари батафсил таҳлил этилган.

Изоморфизм термини аслида лотинча бўлиб, у тилнинг турли бирликларининг ички тузилиши ўртасидаги ўхшашлик маъносини англатади. Структур тилшунослик методларининг асосий тамойилларидан бири унификация тамойилидир. Унга мувофиқ, ҳар қандай назария ягона назарияга таянган ҳолда ўзи ўрганаётган объектнинг алоҳида соҳаларини бирлаштиришга интилмоғи зарур¹⁰. Алоҳида соҳаларни бирлаштириш учун эса улар ўртасидаги изоморфизмни, яъни умумий қонуният мавжудлигини белгилаш лозим¹¹. Ана шундай изоморфизм тилнинг турли хил сатҳлараро муносабатида кузатилади. Шунинг учун қуйи сатҳда белгиланган ва тажрибада аниқлиги, соддалиги, изчиллиги билан эътибор қозонган тадқиқ методлари асосида юқори сатҳ бирликларини ўрганиш анча қулайлик туғдиради. Равшанки, тил бирликларининг бирида кузатиладиган ҳодиса иккинчисида ҳам кичик ёхуд каттароқ шаклда мавжуд бўлади. Бу нарса сатҳлараро воқеланувчи изоморфизм ҳодисасига ёрқин мисол бўлиши мумкин. Албатта, сўз тилнинг кичик сатҳида яшайди, гапни умумий режага кўра тил сатҳи деб атамоқдамиз. Аслида эса гап нутқ бирлиги саналади¹². Лекин шундай бўлишига қарамай, улар ўртасида изоморфизм, яъни ўхшашлик мавжудлигини кўрамиз. Г.А.Смирнованинг қайд этишига кўра, ҳатто сўз сатҳидаги морфемалар ўртасида ҳам гап бўлаклари доирасида кузатиладиган предикат, атрибут, аниқловчи, аниқланмиш сингари алоқа турлари мавжудлигини қайд этиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи бобида “**Трансформация ва унинг лингвистик мақоми**” борасида фикр юритилади. Тилшуносликда трансформация тушунчаси дастлаб америкалик олимлар томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида тадқиқотлар кун тартибига киритилган эди. Трансформация тушунчаси структуралистлар томонидан том маънода синтактик структураларга нисбатан қўлланилган эди ва бугунги кунда ҳам мазкур тушунча, асосан, гапнинг синтактик структурасининг таҳлилида самарали ишлатилмоқда. Трансформацион метод дистрибутив (қуршов) методнинг заиф томонларини тўлдириш мақсадида жорий қилинган бўлиб, у бевосита иштирокчилар методини ҳам (БИ методи) ўз ичига олади.

⁸Қаранг: Турниёзов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке //АДД.– М., 1985.

⁹Қаранг:Турниёзов Н.К. Гап ва унинг деривацион хусусиятлари //Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент, 2011. – Б.65.

¹⁰ Шаумян С.К. О сущности структурной лингвистики. – ВЯ, 1956, №5. – С.47.

¹¹ Шаумян С.К. Ўша асар. – Б.47.

¹²Қаранг: Хайруллаев Х.З. Тил бирликларининг поғонали муносабати.–Тошкент,2008 – Б.79;Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы //ВЯ,№3,1972. – С.16.

Трансформацион методнинг лингвистик моҳияти дастлаб америкалик олим З.Хэррис томонидан мукамал ёритиб берилди. Генератив грамматиканинг кейинги тараққиёти даврида трансформаларнинг лексик бирликлари ўртасида айрим фарқланиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкинлиги айтилади. Бошқача айтганда, асос гапдаги баъзи сўзлар трансформада синтактик воситалар билан алмаштирилиши мумкинлиги эслатиб ўтилади. Бироқ мазкур жараёнда трансформа билан асос гапнинг маъно салмоқлари бир хил бўлмоғи лозим. Таъкидлаш лозимки, дистрибутив метод, гарчи трансформацион методнинг шаклланишига ўзига хос улуш қўшган бўлса ҳам, гапнинг синтактик таҳлилида бевосита қўлланиш имкониятига эга эмас, унинг таъсири доираси анча тор. Шу боис дескриптив тилшуносликнинг кейинги тараққиёт босқичида БИ методи жорий қилинди. Энди БИ усули воситасида берилган гап компонентларининг бир-бири билан қай тарзда синтактик муносабатга киришаётганини аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб бериш имконияти туғилган эди. Буни БИ анализи ва БИ синтезлари мисолида бемалол кўришимиз мумкин ва бунга таянган ҳолда гапнинг грамматик жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилиги хусусида баҳс ҳам юрита оламиз. Мазкур таҳлил усули ана шу жиҳатдан трансформацияга жуда яқин туради. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки грамматик жиҳатдан қурилиши нотўғри бўлган гапларни трансформация қилиб бўлмайди. Шунинг учун қуйида БИ анализи ва синтезини конкрет мисоллар орқали кўриб ўтишни мақсадга мувофиқ топдик: *Машрабнинг кўнглида гурбат бирдан тўзғиди* (О.Ёқубов. “Эр бошига иш тушса”). Берилган гапнинг БИ таҳлилини дастлаб горизонтал чизиқда кўриб чиқайлик. Бундай таҳлил БИ анализи деб аталади. Таҳлилнинг ҳар бир босқичида гап бевосита иштирокчиларга қараб иккига бўлинади ва охириги босқичида бўлинмайдиган бирликлар қолади:

1. *Машрабнинг кўнглидаги гурбат / бирдан тўзғиди.*
2. *Машрабнинг // кўнглидаги гурбат / бирдан // тўзғиди.*
3. *Машрабнинг // кўнглидаги /// гурбат / бирдан // тўзғиди.*

Кўринадикки, берилган гапнинг БИ анализи уч босқичда ниҳоясига етмоқда. Буни символлар воситасида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. $P=GN+GV$ (гап иккита БИдан, яъни от ва феъл гуруҳларини ташкил этаётган БИлардан ташкил топмоқда).
2. $GN=d_1+d_2+N$ (от гуруҳи иккита аниқловчиси билан келаётган отдан ташкил топмоқда).
3. $GV=d+V$ (феъл гуруҳи ўз детерминативи билан келаётган феълдан ташкил топмоқда).
3. $GN=GN=d_2+N$ (иккинчи от гуруҳи ўз аниқловчиси билан келмоқда)¹³.

Гап таркибида қатнашаётган ҳар бир синтагма БИ мақомида бўлиши мумкин,

¹³Р символи орқали гапни, GN ва GVлар орқали от ҳамда феъл гуруҳларини, N билан отни, V билан феълни, d билан ҳар қандай аниқловчини, 1.2 каби рақамлар орқали эса ўзлари тиркалиб келаётган тил бирликларининг сонини белгиламоқдамиз.

зотан, синтагма мудом аниқловчи-аниқланмиш муносабатини тақозо этади.

Шундай қилиб, гапнинг БИ таҳлили тил ёхуд нутқ бирликлари ўртасидаги синтактик (синтагматик) боғланишни мукамал кўрсатиб беришига кўра трансформацияга замин яратади, дея оламиз.

Трансформацион методнинг жорий этилиши дистрибутив ва БИ методларининг заиф томонларини бартараф этди ва жаҳон тилшунослигида катта обрў қозонди. Бироқ бу билан трансформацион метод дистрибутив ва БИ таҳлил методларини тўлиқ инкор этади, деган хулосага бормаслик керак. Чунки трансформацион метод уларнинг барча ижобий томонларини тўлиқ қамраб олади ва амалда уларнинг давоми саналади.

Трансформацион методнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини унинг элементар алгебраик қоидаларидан фойдаланишида кўрамиз. Буни кўпроқ Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикасида кузатамиз¹⁴. Бугунги кунда трансформацион грамматика қоидалари математик лингвистика, компьютер техникаси каби соҳаларда қўлланилаётганлиги трансформациянинг айни пайтда ҳам ўта керакли назария бўлиб қолаётганидан далолат беради. Трансформация статик характерли эмас, балки динамик характерлидир. Динамик характер тушунчаси статик характер тушунчасига қараганда анча мураккабдир, зотан у тилнинг тараққиётинигина эмас, балки унинг амалда қўлланишини ҳам тақозо этади¹⁵. Бу жуда муҳимдир. Чунки тилнинг амалда қўлланилиши жараёнида лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг барчаси ўзаро кесишади. Айнан ана шу жараёнда ядровий структураларнинг ҳосила структураларга айланиши нутқнинг шаклланиши учун самарали хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, трансформациянинг яратувчилик (порождающий) хусусиятини намоён этади.

Тилнинг динамик хусусиятини биринчи навбатда гап воситасида кўра оламиз. Ҳар қандай гапнинг ҳам шаклланиши асосида туб структура ётади. Бироқ туб структура мавҳум характерли бўлади. Масалан, ...*ёзди* сўзига эътибор қаратайлик. Бу ўринда мазкур сўз мавҳум (абстракт) характерли туб структурани тақозо этмоқда. Унинг мавҳумлиги шунда кўринадик, унинг воситасида айни пайтда бир неча гап шаклланиши учун имконият мавжуддир: *хат ёзди, ариза ёзди, китоб ёзди, шеър ёзди* ва ҳ.к. Агар мазкур имкониятларнинг бирортаси реаллашадиган бўлса, бизнингча, ядровий структура шаклланади: *хат ёзди*. Аммо айни пайтда ҳам коммуникатив нуктаи назардан мавҳумлик кузатилади. Чунки бу ўринда предикатнинг синтактик майдони шаклланган бўлса-да, унинг ижрочиси ҳали мавҳумлигича қолмоқда. Унга ижрочи субъект қўшилгач, хабар ифодаси тўлиқ шаклланади ва бундай структурани трансформацияга асос бўла оладиган ядровий структура дея оламиз: *Нодир хат ёзди*. Энди мазкур ядровий структура асосида трансформация ҳодисаси воқелана олади: *Нодир хат ёзди* → *Хат Нодир томонидан ёзилди* → *Нодирнинг хат ёзиши*. Ана шунга асосланган ҳолда, ҳар қандай ядровий структура туб структура замирида вужудга келади, деган хулоса чиқара оламиз. Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, трансформация учун асос бўлаётган ядровий структура инвариант мақомли

¹⁴ Засрина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974. – С.136.

¹⁵ Алексеева Л.М., Мишланова С.Л. Теория деривации//Вестник Пермского университета, 2015, вып. 3 (31). – С.130.

бўлади.

Лексик трансформация деганда, сўзнинг грамматик маъно юкловчи грамматик шакллар билан ўзгариши тушунилади. Ҳар бир мустақил сўз лексик маънодан ташқари, грамматик маънога ҳам эга бўлади. Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмайди, лексик маънога қўшимча тарздаги маъно бўлади ҳамда махсус воситалар орқали ифодаланади. Грамматик маъно ифодаловчи воситалар олган шакли сўзнинг грамматик шакли ёки қисқача қилиб сўз шакли дейилади.¹⁶ Сўз ясалиши билан сўз шакли ясалиши ўзаро зидланади ва биринчиси деривация, иккинчиси эса трансформация саналади. Лексема таркибига қўшилиб, асос қисман янги лексема ҳосил қилиш усулини лексик деривация, янги лексема ҳосил қилмайдиган усулини эса морфологик трансформация ҳисоблаш мумкин. Морфологик трансформацияда трансформацияларни ҳосил қилувчи трансформанд сифатида лексема, тўғрироғи, лексик морфема хизмат қилади. Сўз шакл таркибида трансформанд сифатида келаётган лексема шакл ясовчи морфемалар билан муносабатга киришар экан, демак, бу икки қисм тенг қимматли хусусиятга эга бўлади.

Синтактик трансформация деганда муайян синтактик бирликнинг моҳиятига таъсир этмаган ҳолда турли хил ўзгаришларини тушунамиз. Мана шу ўзгаришга учраган синтактик кўринишлари трансформалар саналади.

Биз диссертацияда трансформация жараёнини қолиплаштиришнинг ҳозирги кунда қолиплаштириш юзасидан олиб борилган кўпгина ишларда маъқул топилган уч босқичлигини эътироф этамиз.¹⁷ Улардан биринчи босқич кузатишда берилган ва сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи реал жумлалар, яъни нутқий ҳосилаларни кузатиш. Иккинчи босқич эса ана шу реал жумлаларнинг умумлашган андозаларини ҳосил қилиш. Учинчи босқич эса иккинчи босқичда ҳосил қилинган қолиплардан гапнинг марказий, асосий белгиларини сақлаб қолувчи узвни сақлаб, қолганларини четлаштириш йўли билан гапнинг энг кичик қолипни ҳосил қилиш. Ҳар қандай реал ифодаланган гап объектив борлиқдаги муайян воқеа ҳодиса ҳақида тингловчига ёки ўқувчига ахборот беради. Шундай экан, гап орқали ифодаланаётган объектив оламнинг сўзловчи онгидаги тасвири, яъни пропозиция узвлари билан гапнинг синтактик шакллари узвлари ўртасидаги муносабат мутаносиблиги катта аҳамиятга эга. Объектив мазмун тўлиқ, унинг ифода томони эса нотўлиқ бўлади. Демак, мазмуний тўлиқликни таъминлашда сегмент воситаларга паралингвистик, контекстуал ва суперсегмент воситалар ёрдамга келади. Агар муайян мазмуний бирликни таъкидлаш, бошқалардан ажратиш ёки конкретлаштириш лозим бўлганда бу бирликлар шаклий ифодаланади.

Йиғиқ гапларнинг ёйиқ трансформаларини ҳосил қилишда оператор вазифасини бажарувчи синтактик бирликлар ўз ичида бошқа бўлақлар билан кенгайиб, содда ёйиқ гапни мураккаб қурилмага айлантириши мумкин. Натижада гапнинг синтактик тузилиши уч қаватли шажара тусини олади. Биринчи қават

¹⁶ Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент, 1979. – Б.5

¹⁷ <https://docplayer.ru/26605893-Sintaksis-sovremennogo-nemeckogo-yazyka.html>;
www.olgakostrova.narod.ru/articles/syntax.pdf

гапнинг мазмуний ва структур маркази бўлган ва йиғиқ гап саналувчи кесим, иккинчи қават кесим билан мазмуний ва грамматик муносабатга киришга ва унинг бўш ўринларини (валентликларини) тўлдириб келувчи бўлақлар, учинчи қават эса кесимнинг бўш ўринларини тўлдириб келган бўлақлар билан грамматик ва мазмуний муносабатга киришиб, у билан бир бутун ҳолда бутун гап тузилишида битта синтактик вазифа бажарувчи бўлақлардан иборат бўлади.

Ядро гап облигатор ва факультатив бўлақлар билан кенгайиб келиши мумкин.¹⁸ Бундай вақтда юқоридаги бўлақларнинг ҳар бир тилда жойлашиш меъёри мавжуд бўлади. Шу билан бирга маълум мақсадга кўра ана шу меъёрнинг бузилган ҳолатлари кузатилади. Натижада гап бўлақларининг меъёрдаги тартиби билан ана шу тартибининг ўзгартирилган кўринишлари бир парадигманинг турли аъзоларини ташкил этади.

Ҳар қандай трансформация маълум трансформация қоидалари асосида амалга оширилади.¹⁹ Трансформацион қоида асосий ва ҳосилавий моделлар ўртасидаги муносабатларни топиш усули саналади.

Тартибни ўзгартириш йўли билан трансформани ҳосил қилиш қоидаси пермутация қоидаси саналади.²⁰

Ишимизнинг учинчи бобида “Деривация ва унинг турлари” ҳақида гап боради. Трансформация ва деривация ўртасида жуда яқин ўхшашлик бор. Энг аввало бундай ўхшашлик уларнинг ички структур тузилишидадир. Ҳар иккиси уч қисмдан ташкил топади: *асос + яратувчи восита + ҳосила*. Ана шунга асосланган ҳолда, трансформация ва деривация ҳодисалари ўзаро кесишади. Шунинг учун ҳам аксарият тадқиқот ишларида трансформациянинг сўнгги натижаси деривацияга олиб келиши таъкидланади. Дарҳақиқат, трансформация билан деривация ўртасига «Хитой девори» қўйиб бўлмайди. Деривация ҳодисаси, асосан, қуйидагиларни қамраб олади: лексик деривация, синтактик деривация, семантик деривация.

Асос қисмдан маълум бир ясовчи восита ёрдамида у билан мазмуний боғлиқ бўлган янги лексема ҳосил қилиниши лексик деривация ҳисобланади. Масалан, *темир* асосидан *-чи* ясовчи восита ёрдамида *темирчи* лексемаси ҳосил қилинади. Яшашга асос қисм билан ясалма мазмуний мундарижасида умумийлик билан ўзига хослик белгилари мавжуд бўлади. Ҳар икки қисмда такрорланаётган сема уларнинг умумийлигини кўрсатса, денотатив семаларнинг бошқа-бошқалиги уларнинг ўзига хослигини намоён қилади. Хусусан, *темир* ва *темирчи* сўзларининг ҳар иккисида *темир* такрорланади ва бу қисм ифодалаган сема уларнинг мазмуний боғлиқлигини, умумийлигини таъминлайди. Синтактик деривация ҳодисаси сўз бирикмалари, содда ва қўшма гаплар (мураккаб синтактик қурилмалар) деривацион воқеланишини тўлиқ қамраб олади. Бироқ мазкур синтактик қурилмалар, ўз навбатида, яна ички бўлинишларни тақозо этади. Масалан, сўз бирикмалари отли ва феълли бирикмаларга бўлинади. Диссертацияда ушбу синтактик қурилмаларнинг ҳар бирининг деривацион хусусиятлари ҳақида умумий маълумот берилган.

¹⁸ Структурный синтаксис английского языка. – М.: 1972. – С. 15.

¹⁹ Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент. 1973. – Б.42.

²⁰ Нурмонов А. Структур тилшунослик илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006. – Б.136.

Сўз бирикмасининг нутқда шаклланиши унинг динамик хусусиятидан далолат беради. Бунинг, албатта, деривацион жиҳатдан аҳамияти катта. Чунки синтактик деривация ҳодисаси муайян объектни «йўқ»дан «бор» қилади. Бу жараёнда, албатта, тил воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бундай воситалардан бири деривация операторидир. Оператор бўлмас экан, деривацион жараён шаклланмайди. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз: *Каримнинг дадаси*. Берилган мисолда сўз бирикмасининг шаклланиши бир қарашда *-нинг* аффиксига тобедек кўринади. Бироқ айтиш пайтда *-си* эгалик қўшимчасининг ҳам ўрни борлигини кўраемиз. Агар мазкур эгалик аффикси бўлмаса эди, *-нинг* аффикси (келишик қўшимчаси) ҳам бирор бир синтактик вазифа бажара олмаган бўларди. Қиёслаймиз: *Каримнинг дадаси* ↔ *Карим дадаси*. Берилган мисолда деривация оператори вазифасида *-нинг* келишик ва *-си* эгалик қўшимчалари келаётганини кузатамиз. Кўринадик, айтиш пайтда оператор таркибли ҳолатда. Бундай операторни Н.Қ.Турниёзов дубльоператор деб атайдиган²¹.

Деривацион қоидага кўра, оператор қўшилаётган (тиркалаётган) сўз деривация операнди деб аталади, деривациянинг сўнгги натижаси эса дериватни тақозо этади.

Деривация оператори ноль ифодали бўлиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда оператор мазмунан англашилади. Шунинг учун мазкур операторни семантик оператор деб ҳам юритилади: *яхши(бола), улуг(одам), чиройли(гул)*...

Диссертацияда синтактик деривация шаклланиши омиллари ҳақида ва деривация ҳодисаси нималарга таяниши хусусида батафсил сўз юритилади.

Дериват, сўзсиз, ҳосила структурани тақозо этади. Ҳосила структуранинг воқеланиши эса генератив грамматиканинг трансформация ва апликатив моделларига асосланади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, баъзи тилшунослар трансформация синтактик деривациядан фарқ қилишини таъкидлайдилар. Масалан, В.С.Храковский шундай фикрда эканини кўриб ўтган эдик. Бироқ кўпчилик олимларнинг қайд этишига кўра, трансформация синтактик деривацияга олиб келади (Л.Н.Мурзин, О.И.Москальская, И.П.Распопов, У.Л.Чейф, Ю.Д.Апресян, Н.Қ.Турниязов, Б.Н.Турниязов, У.Н.Бобоев, Ш.Н.Турниязова ва бошқалар).

Биз танишиб чиққан тилшунослик манбаларига таянган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, деривация ҳодисаси кенг қамровли бўлиб, у трансформация ва апликатив моделларни ҳам ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозимки, трансформация ядровий структурага таянса, деривация ҳам шундай структурага асосланади. Фақат биз деривацион жараён таянч структурага асосланишига урғу бермоқчимиз. Таянч структура ядровий структура муқобилидир.

Синтактик деривация шаклланиши албатта таянч структурага асосланади. Бу жиҳатдан таянч структура муҳим аҳамият касб этади. Таянч структура бўлмас экан, ҳосила структура шаклланмайди. Бу эса муайян таянч структурага иккинчи бир структуранинг боғланиши жараёни бир пайтнинг ўзида деривацион жараённи ҳам воқелантиришини кўрсатади. Бироқ таянч структуранинг шаклланиши ҳам

²¹ Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990. – Б. 42.

бошқа бир структурага асосланади. Бундай структура туб структура мақомида бўлади. Бу эса, ўз навбатида, дериват (ҳосила) таянч структура орқали туб структура билан ҳам боғланишини англатади.

Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний боғланиб, бир бутунликни ташкил этган синтактик бирликлар қўшма гап ҳисобланади.

Кўчирма гапли қурилмалар ҳам икки қисмнинг – ўзганинг гапи ва муаллиф гапининг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунликдир. Демак, у ҳам қўшма гапларнинг алоҳида туридир.

Ҳар икки типдаги қўшма гаплар деривация учун операнд вазифасини бажариши мумкин. Қўшма гаплардан ҳосил бўлган дериванд эса содда гапга айланади.

Бир умумий мазмун сақланган ҳолда гап шаклий тузилишининг ихчамлаштирилиши компрессия саналади. Компрессия натижасида содда гаплар билан қўшма ўртасида синонимик муносабат пайдо бўлади. Қўшма гаплар ҳам, содда гаплар ҳам бир умумий денотатив маъно билан умумлашади. Яъни, бу икки турдаги гаплар бир маънонинг гапнинг икки структур типни орқали ифодаланишидир.

Трансформация жараёни трансформация қоидалари асосида амалга ошгани каби, деривация жараёни ҳам деривация қоидалари асосида юзага чиқади. Деривациянинг компрессия қоидаси қўшма гапларнинг ҳар қайси турида ўзига хос хусусиятга эга. Диссертацияда компрессия усули орқали деривация жараёни қўшма гап турлари асосида ёритилган.

Боғланган қўшма гап қисмлари ўртасида бириктирув, сабаб-натижа, пайт, зидлов, айирув муносабатлари мавжуд бўлади. Қисмлари ўртасида пайт, бириктирув, сабаб-натижа муносабатлари ифодаланган боғланган қўшма гаплар кўпинча компрессияга берилади. Бу уч муносабат ва ёрдамида боғланган қўшма гапларда синкретик ҳолда ифодаланади. Улардан қайси маъно етакчилик қилаётганлиги контекст ва нутқ вазияти орқали ойдинлашади. Масалан,

Ёмғир ёғар ва асфальт йўлак узра сочилган кўлмаклар булоқ кўзидек қайнаб ётарди.

